

*Д.Б. Бахромова,  
катта ўқитувчи,  
Давлат статистика қўмитаси  
Кадрларни қайта тайёрлаш ва  
статистика тадқиқотлари маркази*

## **МАМЛАКАТИМИЗДА ИЖТИМОЙ СОҲАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

Барқарор ривожланишнинг бугунги кўп укладли бозор иқтисодиёти шароитида нафақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда тадбиркорлик соҳаларини ривожлантиришга эътибор берилибгина қолмасдан, балки ижтимоий соҳаларни янада юксалтириш, улар фаолиятини тубдан ўзгартириш, замонавий моддий-техника базаси билан таъминлаш ҳамда такомиллаштириш ҳукуратимиз олдида турган устувор йўналишлардан биридир.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳаларнинг, яъни фан ва таълим, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва спорт соҳалари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қонун, қарор ва фармойишлари қабул қилиниб, давлатимиз томонидан комплекс чора-тадбирлар, қўйилган устувор вазифалар амалга оширилмоқда.

Муҳтарам юртбошимиз И.А. Каримов ўз маърузаларида таъкидлаганларидек; “Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлди”<sup>1</sup>.

Давлатнинг ижтимоий ҳимоя соҳаси учун сарфланган харажатлари, аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланганда, 5 мартадан кўпроқ ошди. Ҳар йили давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмоқда.

Юртимиз таълим ва тиббиёт муассасаларини замонавий талаблар ва халқаро андозалар асосида ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида 2011 йилда бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди ва у 2012 йилнинг биринчи кунларидан иш бошлади.

Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида хизмат сифатини янада ошириш мақсадида 2006 йилда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш, 2008 йилда ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий қилинди. Бунда ушбу соҳа ходимларининг касб малакаси ва бажарадиган ишининг сифати меҳнат ҳақини белгилашда асосий мезон бўлди.

<sup>1</sup> И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2012, 22 январь.

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2007-2009 йиллардаги ижтимоий соҳа харажатлари таркиби (ЯИМга нисбатан %да)**

Кўрсаткичлар	2007 й.	%	2008 й.	%	2009 й.	%
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш учун, жумладан	11,4	100,0	10,9	100,0	11,3	100,0
Маориф	6,3	56,7	6,3	57,7	6,6	57,4
Соғлиқни сақлаш	2,4	21,6	2,2	20,2	2,4	21,7
Маданият ва спорт	0,4	2,7	0,4	3,6	0,4	3,4
Фан	0,1	0,9	0,1	0,9	0,1	0,9
Ижтимоий таъминот	0,1	0,9	0,1	0,9	0,1	0,9

Манба: Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. Статистический сборник. 2010 г.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг янги механизми жорий қилиниши натижасида 2006-2010 йилларда юксак малакали таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари ходимларининг меҳнат ҳақи бюджет соҳаси бошқа ходимларининг иш ҳақига нисбатан кўшимча равишда ўртача 1,5 баробар ва ундан ҳам кўпроқ ошди<sup>2</sup>.

Республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 12 йиллик мажбурий таълимга, жумладан, 9 йиллик мактаб таълими ва ундан кейинги 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимига босқичма-босқич ўтилди.

Таълим соҳасида хизматлар сифатини таъминлашда умумтаълим мактабларининг моддий-техника салоҳияти муҳим ўрин тутди. Ушбу вазифалар 2004 йилда қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг устувор йўналишларидан бири бўлди.

2004-2010 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури амалга оширилди. Ушбу дастурни амалга ошириш доирасида 403 та янги мактаб қурилди, 9 мингта мактабда қайта тиклаш ишлари амалга оширилди, 8,5 мингдан ортиқ мактаб мебель, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари ва бошқа ўқув материаллари билан жиҳозланди. Шунингдек, 7800 тадан зиёд умумтаълим мактаби янгидан қурилди, таъмирланди ва реконструкция қилинди, уларнинг умумий сони эса 9860 тага етди. 8 мингдан ортиқ таълим муассасаси капитал таъмирланди<sup>3</sup>.

Статистик маълумотларга кўра, давлат бюджети ялпи харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайишига қарамасдан, харажатларнинг ижтимоий йўналтирилгани сезиларли даражажа ўзгарди. Ялпи харажатлар таркибида таълим тизими учун харажатлар 1990 йилдаги 17,9 фоиздан 2010

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг мустақиллик йилларидаги асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг мустақиллик йилларидаги асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари.

йилда 33,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизими учун харажатлар мос равишда 10 фоиздан 12,8 фоизга кўпайди (2-жадвал)<sup>4</sup>.

**2-жадвал**

**Давлат бюджети харажатлари таркибининг ўзгариш динамикаси  
(фоиз ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	1990 й.	2000 й.	2010 й.
Харажатлар, жами	100	100	100
1. Ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга	31,5	42,5	59,0
Шундан:			
Таълим	17,9	23,2	33,3
Соғлиқни сақлаш	10,0	8,7	12,8
2. Иқтисодий	40,7	9,2	11,3
3. Инвестиция	16,6	20,4	6,4
4. Бошқа харажатлар	11,2	27,9	23,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Бундан ташқари, болалар спортини ривожлантириш юзасидан мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилиб, ўз ифодасини топмоқда. Болалар саломатлигини тиклаш, етук ва баркамол бўлиб етишиши ҳамда уларни спорт билан шуғулланиши учун республикамиз миқёсида минглаб спорт масканлари ташкил этилмоқда.

Ёш авлодни жисмоний тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш хавзаси фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва ускуналар жойларга етказиб берилди. 2011 йилга келиб қурилган спорт иншоотлари 215 тани ташкил этди<sup>5</sup>.

Статистик маълумотларга эътибор берсак, таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1990 йилда яратилган болалар спорти маскани 1825 тани ташкил этган бўлса, 2000 йилда 2783 тага етди. 2010 йилга келиб эса бу кўрсаткич 5980 та (1990 йилга нисбатан 214,8 %)га ошган<sup>6</sup>.

**3-жадвал**

**Болалар спортининг ривожланиши**

Кўрсаткичлар	1990 й.	2000 й.	2010 й.
Доимий тарзда спорт билан шуғулланувчи ўқувчилар сони, минг киши	444,8	621,7	2218,9
Спорт билан мунтазам шуғулланувчи болалар улуши, фоизда	7,4	11,5	34,8

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг мустақиллик йилларидаги асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида таҳлил қилинди.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотлари асосида

**3-жадвал давоми**

Болалар спорти масканларининг сони	1825	2783	5980
Мақтаблардаги ёпиқ спорт залларининг сони	3128	3863	6151
Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг халқаро спорт мусобақаларида қўлга киритган ютуқлари, медаллар сони	22	166	420

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1998 йилда қабул қилинган **“Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш”** Давлат дастури мамлакатимизда бутун тиббиёт тизимини тубдан қайта қуриш, кўп сарф-харажат талаб этадиган тиббий ёрдамдан амбулатория-поликлиника ва профилактика тиббиётига устувор аҳамият беришга ўтишда муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида биргина 2010 йилнинг ўзида стационар тиббий муассасаларида қўшимча 1630 та даволаниш ўрни ташкил этилди. 2010 йилда соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Соғлиқни сақлаш соҳаси амбулатория-поликлиника бўғинининг мустаҳкамланиши туфайли беморларнинг шифохоналарда ётиб даволаниш даражаси ҳар 100 кишига нисбатан камайиб, 1990 йилдагига 24,6 кишидан 2010 йилда 16,7 кишига тушди ва беморнинг касалхонада даволаниши ўртача 14,8 кун ўрнига 8,3 кунга тўғри келмоқда<sup>7</sup>.

**4-жадвал**

**Соғлиқни сақлаш тизимининг асосий кўрсаткичлари (минг бирлик)**

Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>
Касалхона муассасалари сони	1150	1133	1086	1132	1172
Касалхона жойлари сони	138,6	138,8	137,5	139,6	139,6
10 минг аҳолига тўғри келган жойлар сони	50,9	51,3	49,9	49,8	49,1
Барча мутахассислик бўйича врачлар сони	75,8	76,9	77,1	80,4	79,9
10 минг аҳолига тўғри келган врачлар сони	28,4	28,4	28,0	29,0	28,1
Барча мутахассислик бўйича врач-аёллар сони	40,9	41,2	41,5	41,5	42,0
Ўрта махсус тиббиёт ходимлари сони	274,4	280,3	287,3	301,9	310,2
10 минг аҳолига тўғри келган ўрта махсус тиббиёт ходимлари сони	102,9	103,5	104,3	107,8	109,0

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

**4-жадвал давоми**

<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>
Аҳолига амбулатория-поликлиника хизматини кўрсатувчи даволаш муассасалари сони	5352	5810	5754	5869	5993
Амбулатория - поликлиника муассасалари қуввати, бир сменадаги қабул қилиш (жами 1 сменадаги қабули)	408,3	414,5	413,6	415,5	422,5
Мустақил ва бошқа муассасалар таркибига кирувчи болалар поликлиника (бўлим)лари сони	2413	2339	2219	2322	2341
Ҳомиладор ва фарзанд кўрган аёллар учун жойлар сони, жами минг бирлик	21,9	20,6	20,3	20,1	19,9
10 минг аёлга (15-49)	29,1	26,9	25,9	25,3	24,6

Манба: Статистическое обозрение Республике Узбекистан за 2011 год.

Аҳоли саломатлигини таъминлаш юзасидан аҳолига юқори сифатли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида, Республика махсус ихтисослаштирилган марказлари ташкил этилди ва фаолияти йўлга қўйилди.

**5-жадвал**

**Амбулатория-поликлиника муассасалари фаолияти**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>1990 й.</b>	<b>2000 й.</b>	<b>2010 й.</b>
Амбулатория – поликлиника тиббий хизматини кўрсатувчи тиббий масканлари сони	3139	4847	5886
Шу жумладан, қишлоқ ва шаҳар врачлик пунктлари	-	1567	3208
Амбулатория – поликлиника муассасаларининг қабул вақти, минг киши	275,7	391,5	416,0
Бир кишининг тиббиёт муассасаларига ўртача ташрифи, марта	6,5	8,8	9,5

Бугунги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатдан янги, замонавий талабларга жавоб берадиган, ўз таркибида республика ва вилоят тез тиббий ёрдам марказларини бирлаштирган тиббий муассасалар тармоғи яратилди. Қишлоқ жойларида замонавий асосда жиҳозланган 3 минг 200 дан ортиқ қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Оналар ва болалар саломатлигини

муҳофаза қилиш бўйича замонавий тизим яратилди, барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида перинатал ва скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида, ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи етакчи ўрин эгаллайди.

2010 йилда давлат бюджети маблағларидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, умуман, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун 1,7 триллион сўм миқдорида маблағ ажратилди ва бу 2009 йилга қараганда 30 фоиз, 2008 йилдагига нисбатан эса 2 баробар кўп.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий соҳалар фаолиятини ривожлантириш ва уни янада такомиллаштириш, албатта, молиялаштириш ва ушбу мақсадларга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда бу борада давлатимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий чора-тадбирлар билан боғлиқ. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида бугун мамлакатимизда ижтимоий соҳани янада юксалтириш ва такомиллаштириш бораси комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, татбиқ этилмоқда ва бу амалиётда ўз самарасини бермоқда.